



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2026 yil « 16 » fevralь

№ ПФ–21

Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

2023 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мамлакат тараққиётининг ўрта муддатга мўлжалланган устувор йўналишлари, мақсадлари ҳамда уларга эришиш бўйича самарадорлик кўрсаткичларини белгилаб берди.

Бугунги кунда жаҳонда юз бераётган **глобал ўзгаришлар, халқаро бозорлардаги тебранишлар**, саноат ва технологияларнинг кескин ривожланиши, энергия бозорларидаги трансформация, глобал таъминот занжирларининг қайта шаклланиши Ўзбекистондан ҳам янги ёндашувларни талаб этмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда “**мақсад – ҳаракат – натижа**” занжирига асосланган мутлақо янги стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизими жорий этилгани “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини **янги талаблар асосида такомиллаштириш зарурлигини** кўрсатмоқда.

Шу билан бирга ўтказилган **кенг жамоатчилик муҳокамаси** жараёнида аҳоли, фуқаролик жамияти институтлари, маҳаллий ва халқаро экспертлар томонидан “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини янада такомиллаштириш ҳамда **катта марраларни** белгилаш бўйича **фикр-мулоҳазалар** ва **таклифлар** билдирилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг ҳозирги умумжаҳон тенденциялари, глобал ўзгаришлар ва янги чақириқларга уйғунлигини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар ушбу Фармонни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб белгилансин:

- (а) “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида эришилган ютуқлар ва мавжуд муаммоларни ҳисобга олган ҳолда **реал шароитга мос, ўлчаш ва баҳолаш имкони** мавжуд самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш;
- (б) “Ўзбекистон – 2030” стратегияси билан белгиланган ўрта муддатга мўлжалланган мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичларини **янги чақириқлар** ҳамда **шиддат билан ўзгараётган умумжаҳон тенденцияларига** мувофиқ ҳолда янгилаш;
- (в) “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадларига эришилишини мониторинг қилиш жараёнларини **тўлиқ рақамлаштириш**;
- (г) **соҳа, тармоқ ва ҳудудларни** ривожлантириш бўйича стратегик режалаштириш ҳужжатларининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси билан **уйғунлигини** таъминлаш.

II. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини янгилаш ва унинг ижросини ташкил этиш

2. Қуйидагилар:

- (а) 2023–2025 йилларда эришилган самарадорлик кўрсаткичлари ва ўтказилган баҳолаш натижалари асосида янгидан ишлаб чиқилган 2026–2030 йилларга мўлжалланган **“Ўзбекистон – 2030” стратегияси** 1-иловага мувофиқ;
- (б) “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадларининг самарадорлик кўрсаткичларини шакллантиришнинг **маълумот манбалари** 2-иловага мувофиқ;
- (в) “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича **республика комиссияси** (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

- (а) “Ўзбекистон – 2030” стратегияси **мақсадларининг самарадорлик кўрсаткичларига эришиш** барча даражадаги вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмаларининг **энг устувор вазифаси** ҳисобланади, бу бўйича уларнинг биринчи раҳбарларига **шахсий масъулият юкланади**;

- (б) Бошқарув самарадорлиги агентлиги томонидан вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг **мақсадли кўрсаткичлари** ва **индикаторларини** шакллантиришда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадларининг барча самарадорлик кўрсаткичлари қамраб олинади ҳамда **мониторинг натижалари** самарадорликни баҳолаш учун асос бўлади;
- (в) **соҳа, тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича стратегик режалаштириш ҳужжатлари** “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадларининг самарадорлик кўрсаткичларига эришишга қаратилган ҳолда ишлаб чиқилади;
- (г) ҳар йили **Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетини** шакллантиришда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадларининг самарадорлик кўрсаткичлари инobatга олинади.

III. “Ўзбекистон – 2030” стратегияси амалга оширилиши мониторингини ташкил этиш

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

- (а) “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини ташкил этиш, ушбу жараёнда масъул вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш **Республика комиссиясига** юкланади;
- (б) “Ўзбекистон – 2030” стратегияси **амалга оширилиши устидан назорат** қуйидаги тартибда амалга оширилади:
 - (i) Адлия вазирлиги Ҳисоб палатаси билан биргаликда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадларининг самарадорлик кўрсаткичларига эришиш доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа чора-тадбирлар дастурлари **ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишини назорат қилади**;
 - (ii) Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) “Тараққиёт стратегияси” маркази ва “Юксалиш” ҳаракати билан биргаликда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси **мақсадларининг самарадорлик кўрсаткичларига эришилиши устидан мониторинг юритади**;

(iii) Республика комиссияси “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишида юзага келаётган **муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилади**, заруратга кўра ушбу масалаларни Вазирлар Маҳкамаси Раёсати йиғилишларининг кун тартибига киритиб боради;

(iv) Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон – 2030” стратегияси амалга оширилишининг **ҳар ойда** Бош вазир ўринбосарлари иштирокида **танқидий кўриб чиқилишини** таъминлайди. Бунда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадларининг самарадорлик кўрсаткичларига эришмаган вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларига нисбатан **тегишли чоралар кўрилади**.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) Адлия вазирлиги **ҳар чорак якуни билан кейинги ойнинг 5-санасига қадар** “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадларининг самарадорлик кўрсаткичларига эришиш доирасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа чора-тадбирлар дастурлари ҳақида **батафсил маълумотни** Агентликка ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради;

(б) Агентлик мониторинг натижалари ҳамда Адлия вазирлиги томонидан киритилган маълумот асосида “Ўзбекистон – 2030” стратегияси амалга оширилиши юзасидан **ҳар ярим йилда** Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Республика комиссиясига ахборот киритиб боради;

(в) Вазирлар Маҳкамаси **ҳар ярим йилда** Олий Мажлис Қонунчилик палатасига “Ўзбекистон – 2030” стратегияси амалга оширилиши юзасидан **ҳисобот** тақдим қилади.

6. Белгилансинки:

(а) “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадлари бўйича масъул вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари тегишли самарадорлик кўрсаткичига эришишга бир вақтнинг ўзида **асосий ва тенг кучли ижрочилар** ҳисобланади;

- (б) “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадларининг самарадорлик кўрсаткичларига эришилганлик ҳолати самарадорлик кўрсаткичлари йиллар кесимида **ўсиб борувчи тамойил** асосида белгиланганлигини инобатга олган ҳолда мониторинг қилинади;
- (в) янги вазирлик ва идоралар ташкил этилган ёки қайта ташкил этилган тақдирда, самарадорлик кўрсаткичига эришишга **масъул идоралар**, шу жумладан, **уларнинг йиллар кесимидаги самарадорлик кўрсаткичлари** Агентлик томонидан Республика комиссияси билан келишилган ҳолда белгиланади.
7. “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадларининг самарадорлик кўрсаткичларига эришилиши устидан мониторинг Агентлик томонидан юритиладиган **Стратегик режалаштириш ва ривожланишнинг рақамли платформаси** (кейинги ўринларда – Рақамли платформа) орқали амалга оширилади.

Бунда:

- (а) Рақамли платформага мазкур Фармоннинг 2-илоvasида назарда тутилган **маълумот манбалари интеграция** қилинади;
- (б) Рақамли платформага **маълумотлар киритилмаган ёки нотўғри киритилган** ҳолларда, шунингдек, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш жараёнида самарадорлик кўрсаткичлари бўйича **жиддий тафовутлар** аниқланган тақдирда, Агентлик томонидан масъул ташкилот мансабдор шахсларига нисбатан тегишли чоралар кўриш бўйича Республика комиссиясига таклифлар киритиб борилади.
8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **Рақамли платформада** “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадларининг самарадорлик кўрсаткичларига эришилиши ҳолати қуйидаги тоифаларга ажратилади:
- (а) **“яшил”** – белгиланган самарадорлик кўрсаткичига ўз вақтида ва тўлиқ эришилган;
- (б) **“сарик”** – белгиланган самарадорлик кўрсаткичига эришишда кечикишлар мавжуд, бироқ уларни бартараф этиш имкони бор;
- (в) **“қизил”** – самарадорлик кўрсаткичига эришишда жиддий кечикишлар мавжуд ёки уларга умуман эришилмаган.

Бунда:

“**яшил**” тоифага киритилган самарадорлик кўрсаткичларига масъул идоралар **рағбатлантирилади**;

“**сарик**” тоифага киритилган самарадорлик кўрсаткичларига эришишда мавжуд кечикишлар сабаблари **таҳлил қилинади** ҳамда уларни бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли идорага **зарур чораларни** кўриш бўйича кўрсатмалар берилади;

“**қизил**” тоифага киритилган самарадорлик кўрсаткичларига масъул идоралар фаолияти Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида **танқидий кўриб чиқилади**.

Белгилансинки, ҳақиқатда самарадорлик кўрсаткичига эришиш имкони мавжуд бўлмаган тақдирда, самарадорлик кўрсаткичига **тузатишлар киритиш, ташқи эксперт ёрдамани** кўрсатиш, зарур ҳолларда ижрочиларга **қўшимча ресурслар** ажратиш масаласи кўриб чиқилади.

9. Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларининг стратегик режалаштириш бўйича таркибий бўлинмалари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ахборот-таҳлил гуруҳлари Рақамли платформага маълумотларни ўз вақтида киритмаслик ёки нотўғри киритиш ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида **ички назорат тизимини** жорий этишга масъул ҳисобланади.

IV. “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадларига эришиш бўйича **рағбатлантириш чора-тадбирлари**

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадларининг самарадорлик кўрсаткичларига белгиланган муддатларда (ёки муддатидан аввал) эришишга **алоҳида ҳисса қўшган, ташаббускор** ва бу борадаги вазифаларни намунали ва сифатли бажарган вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари **раҳбарлари** ва уларнинг **тегишли ходимлари рағбатлантириб** борилади.

Агентлик Бошқарув самарадорлиги агентлиги билан биргаликда рағбатлантириш масалаларини **мувофиқлаштирсин** ҳамда бу борада асослантирилган **таклифларни ҳар йили 1 мартга** қадар Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борсин.

V. “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадларига эришишга қаратилган стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш

11. Қуйидагилар:

(а) “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида 2026 йил давомида ишлаб чиқиладиган стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳалари рўйхати 4-иловага мувофиқ;

(б) “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида ўз долзарблигини йўқотган амалдаги стратегик режалаштириш ҳужжатлари ўрнига янги таҳрирда ишлаб чиқиладиган стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳалари рўйхати 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари икки ҳафта муддатда мазкур Фармоннинг 4–5-иловаларига мувофиқ стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш мақсадида келишув асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, таҳлил марказлари ва илмий-тадқиқот муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда хорижий экспертлардан иборат **ишчи гуруҳларни** ташкил этсин.

Бунда стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 октябрдаги ПФ–201-сон Фармони ҳамда 2025 йил 29 декабрдаги ПҚ–394-сон қарорида белгиланган **талаблар асосида ишлаб чиқилиши**, шунингдек, уларда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг мақсадлари ва самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланиши таъминлансин.

13. Қуйидагилар:

(а) Агентлик стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини **услубий қўллаб-қувватлаб** борсин;

(б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги стратегик режалаштириш ҳужжатларида белгиланадиган мақсад ва вазифаларни **молиявий жиҳатдан** амалга ошириш имкониятларини баҳолаб, зарур маблағларни **давлат дастурлари** ва **бюджет параметрлари** билан уйғунлаштириш чораларини кўрсин.

14. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг мақсад ва самарадорлик кўрсаткичларига асосан қайта кўриб чиқиладиган концепция ва стратегиялар рўйхати б-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар:

(а) вазирлик ва идоралар:

(i) **икки ҳафта муддатда** мазкур Фармоннинг б-иловасида белгиланган концепция ва стратегияларнинг долзарблигидан келиб чиқиб, уларни ўз кучида қолдириш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги **асослантирилган таклифларни** Агентликка киритсин;

(ii) белгиланган муддатларда Агентлик билан келишилган ҳолда мазкур Фармоннинг б-иловасида назарда тутилган концепция ва стратегияларга **янги талаблар** асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи **қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини** Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(б) Вазирлар Маҳкамаси киритилган қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уларни ўз кучини йўқотган деб топиш бўйича чораларни кўрсин.

15. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ мазкур Фармоннинг 4–6-иловаларида белгиланган ҳамда келгусида ишлаб чиқиладиган стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик режалаштириш ва ривожланиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан фаолияти ташкиллаштириладиган **таҳлил марказлари** ва **илмий-тадқиқот муассасалари**, шунингдек, тегишли соҳа ва тармоқ тизимида фаолият юритаётган илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда тайёрланади. Бунда:

(а) таҳлил марказлари ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан:

- (i) стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларининг концептуал асослари, мақсад ва вазифаларининг **илмий жиҳатдан асосланганлиги** юзасидан комплекс таҳлил ўтказилади;
- (ii) **илмий ёндашувлар** асосида соҳа, тармоқ ва ҳудудлар тизимли муаммолари, хавф-хатарлари ва “ўсиш нуқталари” аниқланади;
- (б) стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида 2030 йилгача бўлган даврда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Глобал кун тартибининг **Барқарор ривожланиш мақсадлари** ҳамда илғор халқаро тажриба инobatга олинади;
- (в) стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларида **гендер тенглик** ва **инклюзивлик тамойиллари** бўйича аниқ самарадорлик кўрсаткичлари белгиланиб, **хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини** янада ошириш чоралари назарда тутилади;
- (г) стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси лойиҳасини **жамоатчилик муҳокамасидан** ўтказиш даврида келиб тушган тегишли таклифлар инobatга олинади.

VI. Ташкилий чора-тадбирлар

16. Агентлик “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадларининг самарадорлик кўрсаткичларига эришилиши устидан мониторинг юритиш ҳамда унинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш жараёнларига ўзаро ҳамкорлик механизмлари асосида фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, “Тараққиёт стратегияси” маркази ва “Юксалиш” ҳаракатини жалб қилиб борсин.
17. Ҳисоб палатаси **ҳар йил якуни билан** “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадларининг самарадорлик кўрсаткичлари ижросини **аудитдан ўтказиш** ҳамда унинг натижалари бўйича ахборот ва таклифлар Агентликка тақдим этиб борилишини таъминласин.
18. Вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари **бир ой муддатда** ўзлари масъул бўлган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадлари самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотлар манбаларини, кўрсаткичларини ўлчаш ва ҳисоблаш қоидаларини белгиловчи **кўрсаткичлар паспортларини методологик ёндашув асосида** тасдиқласин.

19. Вазирлар Маҳкамаси:

- (а) икки ҳафта муддатда** “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ижросини таъминлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар режасини тасдиқласин;
- (б) “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини ҳар ярим йилда Раёсат йиғилишларида** муҳокама қилиб борсин.

VII. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

- 20.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари 7-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
- 21.** Адлия вазирлиги **икки ой муддатда** манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.
- 22.** Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.
- 23.** Фармон ижросини мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.Ш. Мирзиёева зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси

Т/р	Мақсадлар	Мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичлари	Ҳозирги кўрсаткич (2025)	Йиллар кесимида					Молиявий манбалар	Самарадорлик кўрсаткичига эришишга масъул идора
				2026	2027	2028	2029	2030		
I. ҲАР БИР ИНСОНГА ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШИ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ										
1.	Мактабгача таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда болаларнинг тўлиқ қамровини таъминлаш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 1. Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини 80 фоизга етказиш	78 фоиз	78 фоиз	78,5 фоиз	79 фоиз	79,5 фоиз	80 фоиз	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар, хусусий сектор, ҳомийлик ва грант маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
		2. Болаларни мактабга тайёрлов гуруҳлари билан 100 фоиз қамраб олиш	98 фоиз	99,3 фоиз	100 фоиз	100 фоиз	100 фоиз	100 фоиз	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар, хусусий сектор, ҳомийлик ва грант маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
		3. Мактабгача таълим ташкилотларини тоза сув билан мунтазам равишда таъминлаш даражасини 100 фоизга етказиш	88 фоиз	90 фоиз	93 фоиз	96 фоиз	98 фоиз	100 фоиз	Маҳаллий бюджет, халқаро молиявий институтлар, хусусий сектор, ҳомийлик ва грант маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги

		4. “Уч юлдузли ёндашув” методологияси асосида сув, санитария ва гигиена (WASH) шароитлари билан таъминланган мактабгача таълим ташкилотлари сонини 86 фоизга етказиш	30 фоиз	44 фоиз	55 фоиз	66 фоиз	76 фоиз	86 фоиз	Маҳаллий бюджет, халқаро молиявий институтлар, хусусий сектор, ҳомийлик ва грант маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
2.	Умумий ўрта таълим тизимида “Таълим учун қулай муҳит” дастурини амалга ошириш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 5. “Уч юлдузли ёндашув” методологияси асосида сув, санитария ва гигиена (WASH) шароитлари билан таъминланган умумий ўрта таълим муассасалари сонини 86 фоизга етказиш	30 фоиз	44 фоиз	55 фоиз	66 фоиз	76 фоиз	86 фоиз	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар, хусусий сектор, ҳомийлик ва грант маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
		6. “Электрон доска” билан таъминланган умумий ўрта таълим мактаблари улушини 100 фоизга етказиш	43 фоиз	50,7 фоиз	55 фоиз	75 фоиз	88 фоиз	100 фоиз	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар, хусусий сектор, ҳомийлик ва грант маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
3.	Умумий ўрта таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 7. Президент ва ихтисослаштирилган мактабларнинг баҳолаш тизими жорий этилган умумий ўрта таълим муассасалари улушини 50 фоизга етказиш	33 фоиз	37 фоиз	40 фоиз	43 фоиз	46 фоиз	50 фоиз	Давлат бюджети маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
		8. Умумий ўрта таълим ташкилотлари учун умумтаълим фанларидан	617	322	850	840	920	1 000	Давлат бюджети маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги

		1 000 та номдаги янги авлод дарслик мажмуаларини (дарслик, машқ дафтари, педагоглар учун методик қўлланмалар) чоп этиш								
		9. Янги авлод дарсликлари асосида планшетлар учун 1 000 та мультимедиа дастурларини яратиш	200	300	400	600	800	1 000	Давлат бюджети, ҳомийлик ва грант маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
		10. Умумий ўрта таълим ташкилотларига жалб этилган хорижий тил мутахассисларининг йиллик сонини 1 000 нафарга етказиш	500	600	700	800	900	1 000	Давлат бюджети, ҳомийлик ва грант маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
4.	Педагог кадрлар мақомини ошириш, уларнинг билими ва малакасини халқаро стандартларга мослаштириш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 11. Мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим муассасалари педагог ходимларининг ойлик иш ҳақини 2 бараварга ошириш (2023 йилга нисбатан)	1,27	1,35	1,49	1,64	1,8	2,0	Давлат бюджети маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
		12. 500 минг нафар мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг малакасини узлуксиз ошириш	112 минг	120 минг	220 минг	320 минг	420 минг	500 минг	Ижрочилар маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
		13. Эҳтиёж юқори бўлган йўналишлар ва олис ҳудудлардаги абитуриентлар учун педагогик таълим йўналишлари бўйича	9 фоиз	13 фоиз	14 фоиз	15 фоиз	16 фоиз	17 фоиз	Давлат бюджети маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

		давлат гранти асосида тайёрланган кадрлар улушини 17 фоизга етказиш								
5.	Умумий ўрта таълимни ривожлантириш учун хусусий секторни кенг жалб қилиш	Асосий/уствор самарадорлик кўрсаткичи 14. Умумий ўрта таълим тизимида нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари улушини 10 фоизга етказиш	6,3 фоиз	7,5 фоиз	8 фоиз	8,5 фоиз	9 фоиз	10 фоиз	Хусусий сектор маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
6.	Касбий таълим тизимини ривожлантириш орқали ўқувчиларни замонавий билим ва кўникмаларга ўргатиш	Асосий/уствор самарадорлик кўрсаткичи 15. Касбий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва моддий-техника базасини такомиллаштириш кўрсаткичини 70 фоизга етказиш	5 фоиз	15 фоиз	30 фоиз	45 фоиз	60 фоиз	70 фоиз	Касбий таълимни ривожлантириш жамғармаси ва ҳомийлик маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
		16. 14 та илғор касбий маҳорат техникумларини ташкил этиш	-	7	14	-	-	-	Ижрочилар маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
		17. Илғор касбий маҳорат техникумлари битирувчиларининг бандлигини 60 фоизга етказиш	-	-	-	50 фоиз	55 фоиз	60 фоиз	Маблағ талаб этилмайди	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
		18. Малака тоифасига эга бўлган педагог кадрлар улушини 50 фоизга етказиш	35,8 фоиз	38,5 фоиз	42,5 фоиз	46,8 фоиз	48,2 фоиз	50 фоиз	Давлат бюджети маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
		19. Умумий ўрта таълим муассасалари 9-синф битирувчиларининг касбий таълим билан қамраб олинишини 50 фоизга етказиш	29 фоиз	34 фоиз	38 фоиз	43 фоиз	47 фоиз	50 фоиз	Давлат бюджети маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

		20. Техникум раҳбар ва ходимлари учун масофавий ёки аралаш шаклларда ташкил этиладиган малака ошириш курслари улушини 30 фоизга етказиш	20 фоиз	22 фоиз	24 фоиз	26 фоиз	28 фоиз	30 фоиз	Давлат бюджети маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
		21. Ўрта махсус ва касбий таълим ташкилотларини давлат аккредитациясидан ўтказиш кўрсаткичини 80 фоизга етказиш	-	7 фоиз	20 фоиз	35 фоиз	55 фоиз	80 фоиз	Маблағ талаб этилмайди	Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
7.	Олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 22. Умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицей битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини камида 50 фоизга етказиш	44 фоиз	45 фоиз	46 фоиз	47 фоиз	48 фоиз	50 фоиз	Давлат бюджети ва хусусий сектор маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
		23. Бир йил давомида доимий иш ўрнига эга бўлган олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг улушини 65 фоизга етказиш	52 фоиз	55 фоиз	58 фоиз	60 фоиз	62 фоиз	65 фоиз	Ижрочилар маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
		24. Иш берувчилар томонидан ижобий баҳоланган олий таълим муассасалари битирувчилари улушини 70 фоизга етказиш	-	50	55	60	65	70	Маблағ талаб этилмайди	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
		25. Умумий ўрта таълим ташкилотларини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлаш	-	90 фоиз	92 фоиз	95 фоиз	98 фоиз	99 фоиз	Давлат бюджети ва хусусий сектор маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги,

	улушини 99 фоизга етказиш								Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
	26. Олий таълим ташкилотларининг халқаро аккредитациядан ўтган таълим дастурларини 200 тага етказиш	103	133	153	173	188	200	Давлат бюджети, ижрочилар ва хусусий сектор маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги
	27. “ Топ-500 ” рейтингига (QS, THE, ARWU) кирадиган хорижий университетлар билан ҳамкорликда жорий этилган қўшма таълим дастурлари сонини 50 тага етказиш	12	18	20	30	40	50	Давлат бюджети, ижрочилар ва хусусий сектор маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
	28. 10 та олий таълим муассасасини дунёнинг энг нуфузли “ Топ-1 000 ” (QS, THE, ARWU) олий таълим ташкилотлари рейтингига киритишга эришиш	3	4	5	6	8	10	Давлат бюджети, ижрочилар ва хусусий сектор маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги
	29. “ Топ-100 ” рейтингига (QS, THE, ARWU) кирадиган 2 та хорижий университетлар филиалларини очиш	-	-	-	-	1	2	Давлат бюджети, ижрочилар ва хусусий сектор маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
	30. Олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим ташкилотларини давлат аккредитациясидан ўтказиш кўрсаткичини 90 фоизга етказиш	-	8 фоиз	18 фоиз	35 фоиз	60 фоиз	90 фоиз	Ижрочилар маблағлари	Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги
	31. Олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотлар	50 фоиз	53 фоиз	56 фоиз	60 фоиз	65 фоиз	70 фоиз	Давлат бюджети, ижрочилар	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

		самарадорлигини ошириш ва илмий салоҳиятни 70 фоизга етказиш							ва грант маблағлари	
8.	Олий таълим муассасалари ташкилий-бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника таъминотини мустақамлаш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 32. Олий таълим муассасаларида турар жойга эҳтиёжи бор талабаларни ётоқхона билан қамраб олиш даражасини 60 фоизга етказиш	54 фоиз	55 фоиз	56 фоиз	57 фоиз	58 фоиз	60 фоиз	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар, хусусий сектор, ҳомийлик ва грант маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
		33. Олий таълим муассасалари кутубхоналарининг замонавий ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражасини 45 фоизга етказиш	5,5 фоиз	11,5 фоиз	20 фоиз	27 фоиз	35 фоиз	45 фоиз	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар, хусусий сектор ва ҳомийлик маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
		34. Кутубхона фондларидаги китоблардан 100 фоиз электрон тарзда фойдаланиш имкониятини яратиш	70 фоиз	75 фоиз	80 фоиз	85 фоиз	90 фоиз	100 фоиз	Давлат бюджети ва ҳомийлик маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
9.	Фундаментал тадқиқотларни замон талабларига мос янги йўналишлар билан бойитиш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 35. Илм-фан соҳасига ажратиладиган маблағларни ялпи ички маҳсулотнинг 1 фоизи миқдоригача ошириш	0,16 фоиз	0,2 фоиз	0,4 фоиз	0,6 фоиз	0,8 фоиз	1 фоиз	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар, хусусий сектор ва ҳомийлик маблағлари	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
		36. Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилдиган фундаментал тадқиқот	123	178	233	288	343	400	Давлат бюджети ва грант маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Фанлар академияси

		лойиҳалари сонини 400 тага етказиш								
		37. Фундаментал тадқиқотлар йўналишларида хорижий ҳамкорликдаги илмий лойиҳалар сонини 200 тага етказиш	30	40	80	120	160	200	Давлат бюджети ва грант маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Фанлар академияси
10.	Иқтисодиётнинг энг тез ривожланаётган тармоқларида амалий тадқиқотларни кучайтириш ва “корхона – олий таълим муассасаси – илмий ташкилот” кластер тизимини жорий этиш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 38. Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилдиган амалий тадқиқот лойиҳалари сонини 1 600 тага етказиш	453	648	863	1 098	1 343	1 600	Давлат бюджети маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Фанлар академияси
		39. Иқтисодиётнинг тармоқ корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган инновацион маҳсулотлар турини 850 тага етказиш	350	400	500	600	700	850	Ижрочилар ва хусусий сектор маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
		40. Иқтисодиёт тармоқларининг муаммоларига бағишланган жами 400 та амалий тадқиқот лойиҳасини улушли молиялаштириш орқали ташкил қилиш	0	30	100	200	300	400	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар, хусусий сектор ва грант маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
		41. Иқтисодиётнинг устувор йўналишларида олий таълим ташкилотлари ҳузурида 8 та спин-офф ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш	1	3	4	6	7	8	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар, хусусий сектор ва грант маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

11.	Ёш тадқиқотчилар улушини ошириш ҳамда уларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 42. Илмий кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб бораётган изланувчилар сонини 12 минг тага етказиш	6,9 минг	8,2 минг	9 минг	10 минг	11 минг	12 минг	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар, хусусий сектор ва грант маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	
		43. Тадқиқотчиларнинг умумий сонини 39 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг улушини 61 фоизга етказиш	52 фоиз	54 фоиз	56 фоиз	57 фоиз	59 фоиз	61 фоиз	Ижрочилар маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	
12.	Илмий тадқиқотлар ва инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш орқали барча йўналишларда инновацион фаолиятни кенг жорий этиш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 44. Ўзбекистоннинг Глобал инновациялар индексидаги ўрнини яхшилаш орқали мамлакатни дунёдаги етакчи 60 та инновацион давлат қаторига киритиш	79	77	74	70	65	60	Маблағ талаб этилмайди	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	
		45. Мустақил Ўзбекистон тарихида мамлакатимиз фуқароси бўлган биринчи ўзбек космонавтини фазога учираш	-	-	-	-	-	-	1	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар, хусусий сектор ва грант маблағлари	Рақамли технологиялар вазирлиги
		46. Аҳолининг ҳар 1 миллион нафарига тўғри келадиган тадқиқотчилар сонини 2 минг нафарга етказиш	830	900	1 250	1 500	1 800	2 000	Ижрочилар маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	
		47. Тижоратлаштирилган илмий ишланмалар сонини 1 000 тага етказиш	300	350	450	600	800	1 000	Халқаро молиявий институтлар,	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	

									хусусий сектор ва грант маблағлари	
13.	Аҳолининг ўртача умр давомийлигини ошириш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 48. Ўртача умр кўриш давомийлигини 78 ёшга етказиш	75,2	75,5	76,0	76,8	77,5	78,0	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар, ҳомийлик ва грант маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Спорт вазирлиги, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси
		49. Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига ажратиладиган маблағлар улушини 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулотнинг 5 фоизига етказиш	2,4 фоиз	3 фоиз	3,5 фоиз	4 фоиз	4,5 фоиз	5 фоиз	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар маблағлари	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
		50. Юрак-қон томир касалликларидан эрта ўлимни (30-69 ёш) 27 фоизгача камайтириш	28,6 фоиз	28 фоиз	27,8 фоиз	27,5 фоиз	27,2 фоиз	27 фоиз	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар, ҳомийлик ва грант маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
		51. Саратон касаллигидан эрта (30-69 ёш) ўлимни 5,2 фоизгача камайтириш	6,2 фоиз	6,0 фоиз	5,8 фоиз	5,6 фоиз	5,4 фоиз	5,2 фоиз	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар, ҳомийлик ва грант маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
		52. Қандли диабет касаллиги бор беморларни даволаш билан 100 фоиз қамровини таъминлаш	92 фоиз	94 фоиз	95 фоиз	97 фоиз	99 фоиз	100 фоиз	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

		53. Нафас йўллари касаллигидан эрта ўлим ҳолатлари (30-69 ёш) 1,5 фоиздан ошмаслигини таъминлаш	1,6 фоиз	1,6 фоиз	<1,5 фоиз	<1,5 фоиз	<1,5 фоиз	<1,5 фоиз	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
		54. Сил касаллиги билан касалланиш даражаси 100 минг аҳолига нисбатан 33 дан юқори бўлмаслигини таъминлаш	33,5	<33	<33	<33	<33	<33	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар, ҳомийлик ва грант маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
14.	Аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 55. Юрак-қон томир, хавфли ўсма, қандли диабет, сил касалликлари ташхиси қўйилган беморларнинг 50 фоизини профилактик кўрикларда аниқлаш	27 фоиз	30 фоиз	35 фоиз	40 фоиз	45 фоиз	50 фоиз	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар, ҳомийлик ва грант маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
		56. Оилавий шифокорлар ва аҳоли орасида тузилган битим қамровни 90 фоизга етказиш	8 фоиз	15 фоиз	60 фоиз	70 фоиз	80 фоиз	90 фоиз	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
		57. Республикада гемодиализ муолажасини доимий олаётган беморларнинг ўртача яшовчанлигини 13 йилдан ошириш	10	11	11,5	12	12,5	13	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар, ҳомийлик ва грант маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
15.	Болалар ўртасидаги ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволаш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 58. Чақалоқларда ҳаёти учун хавфли бўлган туғма нуқсонлар билан туғилиш	13,5	10	9	8	7,5	7	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

	самарадорлигини ошириш	даражасини 7 гача камайтириш (100 минг нафар тирик туғилган чақалоққа нисбатан)									
16.	Оналар ва болалар ўлимини камайтириш, соғлом болаликни таъминлаш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 59. Оналар ўлимини 100 минг нафар тирик туғилган чақалоққа нисбатан 9 дан камайтириш	10,9	10,8	10,5	10,0	9,5	8,5	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	
		60. 3–15 ёшдаги болаларни йод препарати, 15–35 ёшдаги хотин-қизларни поливитамин, темир ва фолий кислотаси билан кўрсатмага мувофиқ 100 фоиз бепул таъминлаш	98 фоиз	99 фоиз	99,2 фоиз	99,4 фоиз	99,7 фоиз	100 фоиз	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	
		61. 6 ойгача бўлган чақалоқларни истисносиз она сути билан озиклантириш даражасини 80 фоизга етказиш	-	30 фоиз	35 фоиз	50 фоиз	65 фоиз	80 фоиз	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	
		62. Гўдаклар ўлими кўрсаткичини ҳар минг нафар тирик туғилган чақалоққа нисбатан 6,5 ҳолатгача камайтириш	8,6	8,3	7,8	7,5	7,0	6,5	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	
		63. Беш ёшгача бўлган болалар ўлими кўрсаткичини ҳар минг нафар тирик туғилган чақалоққа нисбатан 9 ҳолатгача камайтириш	9,8	9,7	9,5	9,3	9,1	9	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	
		64. 6–23 ойлик болаларни 100 фоиз микронутриент	98 фоиз	99 фоиз	99,2 фоиз	99,4 фоиз	99,7 фоиз	100 фоиз	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	

		кукуни билан кўрсатмага мувофиқ бепул таъминлаш								
		65. 2–10 ёшли болалар орасида гельминтозни 15 фоизга қисқартириш	-	12,5 фоиз	13 фоиз	13,5 фоиз	14 фоиз	15 фоиз	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
17.	Онкологик касалликларни эрта аниқлаш ва ўлим кўрсаткичини камайтириш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 66. Хавfli ўсма касаллиги билан 5 йиллик умр давомийлиги кўрсаткичини 47,5 фоиздан ошириш	40,5 фоиз	41 фоиз	41,8 фоиз	42,5 фоиз	45 фоиз	47,5 фоиз	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
		67. Барча хавfli ўсма аниқланган беморларни даволаш билан 100 фоиз қамраб олиш	92,6 фоиз	93 фоиз	94 фоиз	96 фоиз	98 фоиз	100 фоиз	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
		68. Саратон касаллиги билан 1 йил ичида ўлим кўрсаткичи 15 фоиздан юқори бўлмаслигига эришиш	18 фоиз	<17 фоиз	<17 фоиз	<17 фоиз	<16 фоиз	<15 фоиз	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
18.	Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 69. Катталар орасида (40 ёш ва ундан катта) артериал гипертония касаллиги эрта аниқланиш кўрсаткичини 70 фоизгача ошириш	45 фоиз	55 фоиз	60 фоиз	63 фоиз	67 фоиз	70 фоиз	Давлат бюджети ва халқаро молиявий институтлар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
		70. Катталар орасида (40 ёш ва ундан катта) қандли диабетни эрта аниқланиш кўрсаткичини 70 фоизгача ошириш	40 фоиз	55 фоиз	60 фоиз	63 фоиз	67 фоиз	70 фоиз	Давлат бюджети ва халқаро молиявий институтлар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
		71. Тайёрланган қон миқдорини 450 минг литрга етказиш	168 минг	250 минг	300 минг	350 минг	400 минг	450 минг	Давлат бюджети ва халқаро молиявий	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

									институтлар маблағлари	
19.	Соғлом ва фаол кексаликни таъминлаш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 72. 55 ёш ва ундан катта бўлган аҳолининг 90 фоизини ҳар йили профилактик тиббий кўриқдан ўтказиш ва соғломлаштириш	50 фоиз	70 фоиз	77 фоиз	81 фоиз	85 фоиз	90 фоиз	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
		73. Катта ёшдаги (40 ёш ва ундан катта) аҳоли орасида жисмоний фаол аҳоли улушини 50 фоизга ошириш (ҳар 5 йилда тадқиқот ўтказилади)	-	24 фоиз		-		50 фоиз	Давлат бюджети ва халқаро молиявий институтлар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
20.	Аҳоли орасида тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 74. 18–69 ёшли шахслар ўртасида семизлик 23,2 фоиздан юқори бўлмаслигини таъминлаш (ТВИ ≥ 30 кг/м ² , STEPS тадқиқоти асосида 5 йилда бир маротаба)	23,5 фоиз	23,5 фоиз		-		23,2 фоиз	Давлат бюджети ва халқаро молиявий институтлар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
		75. Тузни меъёрдан ортиқ истеъмол қиладиган аҳоли улушини 32 фоизга камайтириш (ҳар 5 йилда тадқиқот ўтказилади)	36,2 фоиз	35 фоиз		-		32 фоиз	Давлат бюджети ва халқаро молиявий институтлар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
		76. Жисмоний фаоллиги етарли бўлмаган катталар улушини 22,4 фоизга камайтириш (ҳар 5 йилда тадқиқот ўтказилади)	26,1 фоиз	25,7 фоиз		-		22,4 фоиз	Давлат бюджети ва халқаро молиявий институтлар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
		77. 18–69 ёшли шахслар ўртасида тамаки истеъмоли тарқалганлиги даражаси 14,7 фоиздан	16,5 фоиз	16 фоиз		-		14,7 фоиз	Давлат бюджети ва халқаро молиявий	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

		юқори бўлмаслигини таъминлаш (<i>STEPS тадқиқоти ҳар 5 йилда тадқиқот ўтказилади</i>)							институтлар маблағлари	
		78. Камқонлик билан касалланиш кўрсаткичини 3 100 дан камайтириш (100 минг аҳолига нисбатан)	3 393,3	3 325	3 259	3 194	3 130	3 100	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар ва грант маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
21.	Тиббиёт соҳасида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 79. Тиббиёт муассасаларини рақамлаштириш даражасини (инфратузилмани яхшилаш, интеграция қилиш, тиббиёт карталарини электрон шаклга ўтказиш, кадрлар салоҳиятини ошириш) 100 фоизга етказиш	75 фоиз	80 фоиз	85 фоиз	90 фоиз	95 фоиз	100 фоиз	Давлат бюджети, хусусий сектор ва халқаро молиявий институтлар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
		80. Рақамли соғлиқни сақлаш ягона платформаси тўлиқ жорий этилиши даражасини 100 фоизга етказиш	78 фоиз	90 фоиз	95 фоиз	100 фоиз	100 фоиз	100 фоиз	100 фоиз	Давлат бюджети ва халқаро молиявий институтлар маблағлари
22.	Профессионал ижтимоий хизматларни кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 81. Ижтимоий хизматларнинг рақамлаштирилганлик даражасини 85 фоизга етказиш	76 фоиз	80 фоиз	85 фоиз	85 фоиз	85 фоиз	85 фоиз	Ижрочилар маблағлари	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
		82. Ижтимоий хизматлар соҳасида ариза қабул қилингандан хизмат	18 кун	17 кун	15 кун	13 кун	11 кун	9 кун	9 кун	Ижрочилар маблағлари

		бошлангунга қадар бўлган ўртача кутиш давомийлигини 9 кунгача тушириш								
		83. Ижтимоий карта билан таъминланган аҳоли сонини 3 миллион нафарга етказиш	659 минг	700 минг	1 млн	1,5 млн	2 млн	3 млн	Ижрочилар маблағлари	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
23.	Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизимни яратиш ҳамда улар учун қулай ва мақбул муҳитни яратиш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 84. Ногиронлиги бўлган шахслар давлат кафолати остида таъминланадиган протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация техник воситалари турлари сонини 50 тага етказиш	38	40	45	48	49	50	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар, ҳомийлик ва хусусий сектор маблағлари	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
		85. Ногиронлиги бўлган муҳтож шахсларни реабилитация қилинганлар функционаллигини яхшилаш даражасини 35 фоизга етказиш	12 фоиз	15 фоиз	20 фоиз	25 фоиз	30 фоиз	35 фоиз	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар, ҳомийлик ва хусусий сектор маблағлари	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
24.	Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 86. Алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болаларнинг умумий таълим мактабларида инклюзив таълим билан қамровини 1 000 нафарга етказиш	500	650	800	900	950	1 000	Давлат бюджети, хусусий сектор ва ҳомийлик маблағлари	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги

		87. Ногиронлиги бўлган 4 500 нафар болани кундузги парвариш билан қамраб олиш	3 000	3 500	3 800	4 100	4 200	4 500	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар ва хусусий сектор маблағлари	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
		88. Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 1 500 боланинг жамиятга интеграциялашуви	1 468	1 500	1 500	1 500	1 500	1 500	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар ва хусусий сектор маблағлари	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
25.	Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш ва гендер тенгликни таъминлаш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 89. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича ўқув курслари билан қамраб олиш даражасини 80 фоизга етказиш	40 фоиз	50 фоиз	57 фоиз	65 фоиз	75 фоиз	80 фоиз	Ижрочилар маблағлари	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия вазирлиги
		90. Бошқарув лавозимларидаги хотин-қизлар улушини 35 фоизга етказиш	30,2 фоиз	31 фоиз	32 фоиз	33 фоиз	34 фоиз	35 фоиз	35 фоиз	Маблағ талаб этилмайди

		91. Давлат фуқаролик хизматида хотин-қизлар улушини 40 фоизга етказиш	28 фоиз	30 фоиз	32 фоиз	34 фоиз	36 фоиз	40 фоиз	Маблағ талаб этилмайди	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Бошқарув самарадорлиги агентлиги
		92. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгашлари таркибида хотин-қизларнинг улушини 9 фоизга етказиш	6,6 фоиз	7 фоиз	7,5 фоиз	8 фоиз	8,5 фоиз	9 фоиз	Маблағ талаб этилмайди	Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия, Давлат активларини бошқариш агентлиги
		93. Ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланишга жалб этилган хотин-қизлар сонини 500 минг нафарга етказиш	52 минг	100 минг	200 минг	300 минг	400 минг	500 минг	Ижрочилар маблағлари	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги
		94. 31–60 ёшли хотин-қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш қамровини 3 фоизга етказиш	1,4 фоиз	1,8 фоиз	2,1 фоиз	2,5 фоиз	2,8 фоиз	3 фоиз	Ижрочилар маблағлари	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Савдо-саноат палатаси
		95. Лидер тадбиркор аёлларга эҳтиёжманд хотин-қизларни бириктириш даражасини 100 мингга етказиш	59 минг	49,1 минг	69 минг	75 минг	85 минг	100 минг	Ижрочилар маблағлари	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси
		96. Расман ишсиз деб ҳисобланувчи хотин-қизларнинг улушини 5 фоизгача тушириш	-	7 фоиз	6,8 фоиз	6,5 фоиз	6 фоиз	5 фоиз	Ижрочилар маблағлари	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси,

									Ёшлар ишлари агентлиги	
		97. Маҳаллаларда 3 940 нафар хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказларини ташкил этиш	1 156	1 040	1 840	2 540	3 240	3 940	Ижрочилар ва хусусий сектор маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси
		98. Оила ва хотин-қизлар масканларида аҳолига кўрсатилган хизматлар сонини 60 фоизга етказиш	35 фоиз	40 фоиз	45 фоиз	50 фоиз	55 фоиз	60 фоиз	Ижрочилар маблағлари	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси
		99. Манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали эҳтиёжмандликдан чиқариладиган хотин-қизлар сонини 300 минг нафарга етказиш	1,02 млн	940 минг	700 минг	600 минг	500 минг	300 минг	Давлат бюджети ва хусусий сектор маблағлари	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
26.	Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 100. Нуронийларни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирлар қамровини камида 30 фоизгача ошириш	-	0,6 фоиз	12 фоиз	18 фоиз	24 фоиз	30 фоиз	“Нуроний” жамғармаси, ҳомийлик ва ижрочилар маблағлари	“Нуроний” жамғармаси
		101. Республикамиздаги диққатга сазовор жойлар, тарихий шаҳарлар, қадимий обидалар, зиёратгоҳлар ва юртимизнинг сўлим гўшаларига 1,9 миллион	-	1,5	1,6	1,7	1,8	1,9	“Нуроний” жамғармаси, ҳомийлик ва ижрочилар маблағлари	Туризм қўмитаси, “Нуроний” жамғармаси

		нафар нуронийларнинг саёхатларини ташкил этиш								
27.	Мамлакатда камбағаллик даражасини қисқартириш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 102. “Мутлақ камбағалликка” барҳам бериш (<i>амалдаги минимал истеъмол харажатлари қиймати асосида</i>)	5,8 фоиз	4,5 фоиз	3,5 фоиз	2,5 фоиз	1 фоиз	0 фоиз	Маблағ талаб этилмайди	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
		103. Камбағал аҳолини камбағалликдан чиқариш хизматлари билан 100 фоиз қамраб олиш	1,5 млн	850 минг	730 минг	600 минг	430 минг	260 минг	Маблағ талаб этилмайди	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
28.	Аҳолини даромадли меҳнат билан банд қилиш, ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштириш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 104. Ишсизлик даражасини 4 фоизгача тушириш	4,8 фоиз	4,5 фоиз	4,4 фоиз	4,3 фоиз	4,2 фоиз	4 фоиз	Маблағ талаб этилмайди	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
29.	Фуқароларни давлат ҳисобидан касб-ҳунарга ўқитиш, уларнинг замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш бўйича касбий кўникма ва малакаларини ривожлантириш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 105. Касб-ҳунарга ўқитишда хусусий сектор улушини 30 фоизга етказиш	8 фоиз	10 фоиз	14 фоиз	19 фоиз	24 фоиз	30 фоиз	Хусусий сектор маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
		106. 2 миллион нафар фуқароларни касб-ҳунар, тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитиш	220 минг	400 минг	900 минг	1,3 млн	1,7 млн	2 млн	Ижрочилар маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар ишлар агентлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
		107. Касбга ўқитиш марказларининг 1,6 минг нафар ўқитувчиларини халқаро стандартлар	150	500	900	1 200	1 350	1 600	Ижрочилар маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

		асосида малакасини ошириш								
		108. Ваучер тизими асосида 700 минг нафар ишсизлар, расмий даромадга эга бўлмаган иш қидираётган фуқароларнинг касб-хунар, тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитиш харажатларни қоплаб бериш	147 минг	120 минг	250 минг	390 минг	540 минг	700 минг	Бандликка кўмаклашиш давлат мақсадли жамғармаси ва ижрочилар маблағлари	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
		109. Нодавлат таълим ташкилотларининг ваучер тизимидаги улушини 48 фоизгача ошириш	28,5 фоиз	40 фоиз	42 фоиз	44 фоиз	46 фоиз	48 фоиз	Бандликка кўмаклашиш давлат мақсадли жамғармаси ва ижрочилар маблағлари	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
30.	Ёшларни замонавий касблар ва чет тилларига ўқитиш тизимини яратиш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 110. “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси орқали хорижий тилларни бепул (онлайн) ўрганувчи ёшларнинг қамровини 7 миллион нафарга етказиш	3 млн	3,6 млн	4,3 млн	5,1 млн	6 млн	7 млн	Ижрочилар маблағлари	Ёшлар ишлари агентлиги
		111. Сунъий интеллект орқали замонавий касблар ва фанларни бепул (онлайн) ўрганувчи ёшларнинг сонини 3 миллион нафарга етказиш	0,85 млн	1,1 млн	1,4 млн	1,9 млн	2,4 млн	3 млн	Ижрочилар маблағлари	Ёшлар ишлари агентлиги
		112. Хорижий тилларни ўрганишни қўллаб-қувватлашга қаратилган “2+6” дастури орқали	-	12 минг	27 минг	47 минг	72 минг	100 минг	Ижрочилар маблағлари	Ёшлар ишлари агентлиги

		қамраб олинган ёшларнинг умумий сонини 100 минг нафарга етказиш								
		113. Хорижий тиллар бўйича халқаро имтиҳон харажатлари қоплаб бериладиган ёшлар (14–30 ёшлар сонига нисбатан) умумий сонини 90 мингга етказиш	15 минг	16 минг	33 минг	51 минг	70 минг	90 минг	Ижрочилар маблағлари	Ёшлар ишлари агентлиги
31.	Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг илмий фаолиятини рағбатлантириш	Асосий/устувор самарадорлик кўрсаткичи 114. Интеллектуал ўйинларга жалб қилинган ёшлар қамровини 10 фоизга етказиш	2,7 фоиз	4 фоиз	5 фоиз	6 фоиз	8 фоиз	10 фоиз	Ижрочилар маблағлари	Ёшлар ишлари агентлиги
		115. Ҳар йили 500 нафаргача истеъдодли ёшлар ва иқтидорли мутахассисларни Топ-300 талик рўйхатга (QS, THE) кирадиган хорижнинг нуфузли олий таълим ташкилотларида ўқишини ташкил этиш	450	500	500	-	-	-	Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар ва грант маблағлари	“Эл-юрт умиди” жамғармаси
